

Ҳофизи Қуръон Маъсумхон маҳдум Абдулғофур қори ўғли



15:30 / 07.02.2022 2955

19 аср охирларида Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, Заркент маҳалласи (ҳозирги Акси кўчаси)да истиқомат қилувчи Абдулғофур маҳдум (Ғофур қори) хонадонларида иккинчи ўғил фарзанд дунёга келди. Унга Маъсумхон деб исм қўйишди.

Маъсумхон маҳдум Абдулғофур қори ўғли 1898 йили аҳли уламолар хонадониди дунёга келди. У ёшлигидан ўткир зеҳнли, Қуръонга муҳаббатли бўлиб улғайди. Падари бузруквори Абдулғофур қори ва волидаи меҳрибони Сорахон оғи фарзанддаги бу муҳаббатни кўриб, унинг таълими ва тарбиясига кучли эътибор қаратишади. Натижада, Маъсумхон 11 ёшида отаси Абдулғофур қори қўлларида ҳофизи Қуръон бўлиб етишади ва масжид хонақоҳида хатми Қуръонга имомликка ўта бошлайди.

Маъсумхон маҳдумнинг оналари Сорахон ойим фарзандларини билимли бўлиши учун туни билан ухламай, уларнинг ош-овқати-ю, иссиқ нону чойини тайёрлаб берар эканлар. Қорининг ўзлари кейинчалик, «онам раҳматлик ҳар куни дарсимизни топшириб, бомдод намозимизни ўқиб бўлгунимизча нонуштамизни тайёрлаб қўяр эдилар. Қани энди нонушта қилиб олинглар» дейишлари ҳамон ёдимда. «То мен хофизи Қуръон бўлгунимча онам шу ҳолда хизматда бўлган эдилар», дея хотирлайдилар.

Маъсумхон қори ва Иброҳим маҳдумлар икковлари бир пайтда Қуръон ёд олишган экан. Бу икки ўғлонни Абдулғофур қори домла Яҳёхон тўра Файзихон тўра ўғлига байъат қилгани олиб бориб, тариқат йўлига солган эканлар.

Яҳёхон тўра уларни кўриб: «Булар қори экан. Қориларга ортиқча вазифани кераги йўқ деб, енгил вазифаларни берган ва то умрингизни охиригача ҳар куни Қуръони Каримдан 5 порадан ўқийсизлар. Буни асло тарк қилмайсизлар», деб айтган эканлар. Мана шу аҳдга содиқ бўлиб, то умрларининг охиригача Қуръони Каримни тиловат қилиб ўтишди.

Маъсумхон маҳдумнинг яшаган йиллари мустабид тузум даврига тўғри келади. Отаси Абдулғофур қори умрларининг охириги 20 йилини оилалари билан тазйиқда, қочувда ва ҳижратда ўтказган эканлар. Ўша даврларда Абдулғофур маҳдумнинг иккинчи қорихоналари Чорсу мавзеси, ҳозирги Самарқанд кўчаси бошидаги автомактаб (Досааф) биниси ўрнида жойлашган экан. Ушбу қорихонада сабоқ олган Исмоил маҳдум, Ҳошимжон қори, Носирхон қори, Муҳаммад Сиддиқ қори ҳамда Аббосхон қорилар устоз Ғофур қори домла ҳузурларидан ўтиб, ундан кейин Маъсумхон қори назоратлари остида хофизи Қуръон бўлишган эканлар.

Замондош хофизи Қуръонлар шундай эслашади: «Биз бирон марта кундузи сабоқ олган эмасмиз. Ҳар куни туннинг ярмидан, то субҳгача сабоқ олардик. Ҳаттоки, бомдод намозимизни ўқийдиган вақтимизгача олган сабоғимизни ёдлаб ҳам қўярдик».

Ҳазрат Маъсумхон қори домла 1991 йил 20 октябрь куни 93 ёшларида оламдан ўтдилар. У киши шаҳарнинг катта қабристони «Мангулик» мазорига дафн этилди. Унинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Маъсумхон маҳдум икки марта уйланганлар. Аввалги аёли Салимахон ойим Муҳаммад Расул афанди қизи бўлиб, ундан 2 та ўғил, 1 та қиз фарзандлари

бор.

Фарзандлари Каримахон (1920-2001), Қутфуддин (1922-2008) ва Баҳриддин (1926-2013)лар.

Салимахон ойим оламдан барвақт ўтиб кетганлиги боис, орадан 9 йил ўтиб, Маъсумхон қори иккинчи аёли Ҳуснидахон ойим билан турмуш қурганлар. Ҳуснидахон ойим (1920-2016) ўзининг амакиси Обид (ваф.1943) қорининг қизи бўлиб, ундан 3 та ўғил, 1 та қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Фазлиддин (1947), Насруллоҳ (1950), Раҳимахон (1954) ва Саъдуллоҳ (1958) лар[1].

—
Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.

—
—
[1] Ушбу маълумотлар Маъсумхон маҳдум авлодларининг шахсий архивидан олинди.

—

—

—